

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАРБИЙ
ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШИГА
КАСБИЙ БУЗИЛИШНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ**

МАХМУДОВ РОЗМЕТ МУРАТОВИЧ,
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети профессори,
педагогика фанлари доктори, профессор.*
ЭРНАЗАРОВ АЗИЗБЕК АДАШБОЙ ЎҒЛИ,
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети ўқитувчиси*

Аннотация: Жамоат хавфсизлиги, ҳарбий хизматчилардаги касбий бузилишларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мақолада фикр юритилади. Касбий деформациянинг юзага келишига таъсир қилувчи педагогик-психологик субъектив омилларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ҳарбий хизматчиларни касбий бузилишига индивидуал психологик хусусиятларни таъсири тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, ҳарбий хизматчи, офицер, деформация, касбий бузилиш, стресс, омиллар, касб психологияси, психолог, фобия.

Abstract: The article discusses the specific characteristics of professional disorders in public safety and military personnel. An attempt was made to elucidate the pedagogic-psychological subjective factors affecting the occurrence of professional deformation. The influence of individual psychological characteristics on the occupational disorder of military personnel is discussed.

Key words: public safety, military serviceman, officer, deformity, occupational disorder, stress, factors, occupational psychology, psychologist, phobia.

Аннотация: В статье рассматриваются специфические особенности профессиональных нарушений в органах общественной безопасности и военнослужащих. Предпринята попытка выяснить педагогико-психологические субъективные факторы, влияющие на возникновение профессиональной деформации. Обсуждается влияние индивидуально-психологических особенностей на профессиональную заболеваемость военнослужащих.

Ключевые слова: общественная безопасность, военнослужащий, офицер, уродство, профессиональное расстройство, стресс, факторы, профессиональная психология, психолог, фобия.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий хизматчиларининг профессионал кадр бўлиб етишиши жамият учун, жамоа учун энг асосийси офицер кадр учун ўта муҳим ҳисобланади. Ушбу муаммо илм аҳли ўртасида кенг муҳокамага, тадқиқотлар олиб боришга сабаб бўлмоқда¹. Ҳарбий хизматчиларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашда касбий хизматга чуқур кириб кетиши, касбини севиши яхши, лекин ушбу жараён юқорида қайд қилиб ўтганимиздек офицернинг психикасида ўзгаришни юзага келтиради, яъни ўша касбдан (фаолиятдан) бошқа кўп нарсаларга эътиборсиз бўлиб қолишига олиб келади. Ҳарбий хизматчиларнинг кўп йиллик касбий хизмати хоҳлаймизми йўқми албатта унинг аввало ўзига, оиласига, жамоа аъзоларига ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол ҳисобланади. Чунки ҳарбий хизматчи эртага нима бўлишини билмайди, айниқса фавқулоддаги ҳолатларни тез-тез бўлиб туриши жавобгарликни юқори даражадалиги, тақдирдаги ноаниқликларни содир бўлиб қолиши ва ҳоказолар. Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал бўлиб шаклланиши энг аввало ҳарбий олий таълим билим юртларидан бошланса, кейин хизмат даврида такомиллашади, кўникма ва малакалар орқали амалга ошиб боради. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бири энг аввало профессионалликка интилади, бунга муҳит ҳам шарт-шароит яратади. Айниқса бошлиқларнинг шахсий намунаси, тўғри талаби шахсиятга тегмаслиги, саводлилиги, мураббийни тўғри танлаши, оиласидаги илиқ муносабатлар ҳам муҳим омиллар ҳисобланади. Профессионализмни шаклланишига энг камида ўн (10) йилча вақт кетади (бизнингча), яъни офицер энг камида майор унвонида хизмат қилаётган бўлади, лекин баъзи бир офицерлар борки бутун бир хизмат даврида (20 йил ва ундан кўп вақтда) ҳам профессионал бўлиб шаклланмайди чунки у фақат буйрукни бажаради, хизматга ортикча ижодий ёндашиш тушунчалардан узок булади. Бу офицерларнинг индивидуал характериға кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади, бошқа томондан Умумҳарбий Низомлардан ташқарига чиқиш ҳарбий хизматчи учун бир канча ташвиш келтирувчи манба ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар қайси лавозимда, қайси муҳитда бўлишидан қатъий назар, касбий деформацияни мезонлари уларнинг хатти-ҳаракатларида аста-секин кўрина бошлайди. Ҳарбий хизматчиларда деформация бошланар экан албатта ижобий ҳислатлар камайиб, салбий ҳислатлар кўпайиб боради ва натижада ҳарбий хизматчиларда иш услуби ўзгаради ахлоқида, хатти-

¹ Безносков, С.П. Профессиональная деформация личности. – СПб.: Речь, 2004. – 272 с.; Борисова, С.Е. Профессиональная деформация личности сотрудника // Энциклопедия юридической психологии / Под общ. ред. проф. А.М. Столяренко. – М., – 2003. – 290 с.; Бурыкин, В.М. Профилактика профессиональной деформации личности сотрудника органа внутренних дел: Методическое пособие / Под общ.ред. В.М. Бурыкина. – М.: ИМЦ ГУК МВД России, – 2004. – 144 с.; Дружилов, С.А. Профессиональные деформации как индикаторы дезадаптации и душевного неблагополучия человека [Текст] / С.А.Дружилов // Сибирский педагогический журнал. – 2010. – № 6. – С. 171-178.

ҳаракатларида, характерида салбий ўзгаришлар юзага кела бошлайди ва уларнинг амалий фаолиятида кўринади. Ушбу ўзгаришлар ва бузилишлар “касбий бузилиш” деб номланади. Касбий бузилиш фақат салбийлик билан боғлиқ деб тушунишни ўзи хато бўлар эди, баъзида ҳарбий хизматчиларнинг ўзига юқори баҳо бериши ўзини яқка яхши мутахассис деб билиши, ҳисоблаши ҳам касбий деформациянинг бир тури ҳисобланади шунинг учун касбий бузилишга икки томонлама қарашимиз мумкин экан бизнингча. Биринчиси касбий фаолиятдаги салбий ўзгаришлар бўлса, иккинчиси ҳарбий хизматчининг шахсий сифатларидаги ўзгаришлар ва уни касбий фаолиятига, муҳитга таъсири ва муҳитни унинг профессионаллашувига таъсири.

Касбий бузилиш муаммоларини чуқур ўрганган олимлар В.В.Барабаншиков, Е.П.Ильин, Е.А.Климовлар касбий бузилишни ҳарбий хизматчиларга ижобий таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилишади. Бу бир қарашда тўғридек туйилади, лекин бундай омиллар камдан-кам ҳолатларда тўғри бўлиши мумкин, чунки касбий бузилиш бу ўз номи билан касбий бузилишдир. Шунинг учун салбий омиллар ичида ижобийсини излаш жуда ҳам қийин ва кўп исбот талаб қилинадиган жараён ҳисобланади бизнингча. С.В.Будыкин ва Н.В.Дворянчиковаларнинг фикрларига биз қисман қўшиламыз яъни, “Доимо фавқулоддаги вазиятларни юзага келиб туриши, ҳарбий хизматчиларнинг ички руҳий ҳолатида ижобий ўзгаришларни юзага келтиради яъни кўникма ва малакалар шаклланади”².

Офицерлардаги касбий бузилиш нафақат замонамизни тинчлиги вақтида яққол намоён бўлади, худди шундай ҳолат асосан ҳарбий хизматчиларни жанговор вазиятларда ярадор бўлганида, стрессга тушгандаги ҳолатларда юзага келади ва бу вазиятлардан кейин ҳарбий хизматчиларда касбга бўлган муносабат нималарга қаратилишини Америкалик олимлар Ричард Тэдэски ва Лоуренсо Кэлхоуналар ўрганишган. Уларнинг фикрича “Бундай вазиятлардан кейин ҳар бир ҳарбий хизматчида янги имкониятлар юзага келади, ҳаётга янада қизиқиш уйғонади, ҳарбийлик касбига, оиласига нисбатан меҳри янада кўпроқ пайдо бўлади”³. Ушбу фикр нисбатан тўғридир лекин ҳар бир ҳарбий хизматчида бундай ҳолатлар ҳар хил кечади, чунки ҳар бир ҳарбий хизматчида индивидуаллик мавжуд.

Касбий бузилишга (мутахассислигидан келиб чиқиб) оид тадқиқотлар мавжуд (менежмент, врачлар, педагоглар, юристлар ва ҳоказо) лекин ушбу муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам ҳарбий

² Будыкин, С.В., Дворянчиков, Н. В. Влияние экстремальных ситуаций на развитие личностной деформации у сотрудников правоохранительных органов. – Донецк: ДЮИ ФГЗ, 2012. – С. 34-36.

³ Tedeschi R.G., Calhoun L.G. Posttraumatic growth: Conceptual foundations and empirical evidence. Psychological Inquiry, 2004, 15, P. 1–18.

хизматчиларнинг касбий бузилишига оид механизмлар, омилларни психологик, ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ўта долзарб ҳисобланмоқда. Энг асосийси ҳарбий хизматчиларни касбий фаолияти махсус ўзига хосликка эга бўлиб, фаолият ҳар бир ҳарбий хизматчида ўзининг қандай бўлишидан қатъий назар ўзини изини қолдиради. Шунинг учун ҳам касбий бузилиш ҳарбий хизматчиларнинг бажараётган иши, муҳити хизмат шароитига боғлиқ. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини жамоат жойларда хизмат олиб боришганликлари, суриштирув, профилактика ходимлари билан ҳамкорликда хизмат олиб бораётганликлари, кадрларни саралаш ва тайинлаш соҳасида, жанговар тайёргарлик йўналишларида хизмат олиб бораётганларида касбий бузилиш уларда турли шакл ва мазмунда намоён бўлади. Чунки хизматнинг ўзига хослиги албатта ҳарбий хизматчиларнинг дунёқарашини ўзгартиради ва бу табиий ҳол.

Ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифасида касбий бузилиш турлича кечади, яъни раҳбарларда (бошлиқларда) сержантларда, оддий ҳарбий хизматчиларда, аёл ҳарбий хизматчиларда, денгиз флотидаги ҳарбий хизматчиларда, учувчиларда, танкчиларда, артиллериячиларда ва хуллас ҳамма ҳарбий хизматчиларда турлича. Айниқса жазони ижро этиш муассасаларидаги ҳарбий хизматчи ва аёл ҳарбий хизматчиларда ҳам ўзига хос касбий бузилиши юзага келади.

Бошлиқлардаги касбий бузилишнинг боши-мен айтганим тўғри, қўл остидагиларни мени айтганимга ўрганади, мен бошлиқман, мендаги имконият (таъсир этиш механизми уларда) йўқ деган фикр доимо доминанта бўлиб туради, унинг устига бошқа атрофдагилар ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайдилар, бундай қувватлаш эса бошлиқларга янада ўзига, ўзининг субектив фикрларидан қайтмасликка ёрдам беради. Шартнома асосидаги оддий аскар ва сержантларда касбий бузилиш бошқачароқ кечади, яъни улар фақат буйруқни бажаришга ўрганади, кўрсатмаларни бажаришда бирон-бир муаммо юзага келса бошлиқдан сўрамасдан қилишга ҳайиқади, натижада муаммолар ечилмайди бу эса касбий фаолиятга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳар бир ҳарбий хизматчи бошлиқлардан топшириқ олганда, ўша топшириқни овозини чиқариб топшириқ берган офицерни олдида қайтариб айтади, чунки бундай қайтариб айтиш топшириқни қай даражада тўғри ёки нотўғри тушунганлигидан далолат беради. Ҳарбий хизматчи агар денгиз флотида хизмат олиб борса касбий бузилишнинг бир кўриниши “денгиз касаллиги” ҳисобланади. Денгиз касаллиги денгиз флотида хизмат олиб борадиган қарабл капитани, матрос, мичманларда ҳам турлича кечади.

Бундай касаллик денгиз, океандаги чайқалишлар натижасида юзага келади. Авиацияда эса маълум бир соат осмонда парвоз қилгандан кейин касбий

бузилиш юзага келади. Уларда қурқув “фобия эмас” юрак, асаб касалликлари юзага келади, ушбу касалликларни вақтида даволамаса ҳар бир учувчи муддатидан олдин истеъфога чиқади ва ерда бошқа иш қилишга мажбур бўлади, лекин юқори иқтидорли учувчилар учун учишдан бошқа фаолиятга ўрганиш ўта қийин ҳисобланади. Артиллерия йўналиши бўйича хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчиларда қулоқ билан боғлиқ, эшитиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади натижада уларда ҳам касбий бузилишини бошланиши “қулоқ” билан боғлиқдир. Танкчиларда ҳам худди шунга ўхшаш, танкни шовқинига ўрганиб қолиш баъзида танк ўт олиб турганида ҳам бир-бирини яхши эшитишади ва уларда касбий кўникмани юзага келтиради. Касбий кўникма ҳам ҳарбий хизматчиларда касбий бузилишнинг бир тури ҳисобланади. Касбий кўникмаларга “касбий бузилишни” бир тури сифатида қаралса нотўғри бўлмайди. Касбий кўникма ҳарбий хизматчиларда турлича кечади, баъзи бирларида кўникма содир бўлмай ҳарбий хизматдан кетади, чунки инсон индивидуаллиги турлича, психикаси ҳам, психологияси ҳам турли-тумандир. Тиббиёт ходимларида ҳам касбий мослашиш турлича масалан, “оқ ҳалат” кийиб жарроҳ боламан деган талаба иккинчи курсга ўтганидан кейин уларни “ўликхона”га амалий машғулот дарсига олиб боргандан сўнг у ердаги “фармабинни” ҳидини, инсон организмнинг бўлақларини, юракни, ўпкани, жигарни, буйракни, бошни алоҳида-алоҳида идишларда керакли суюқликларни ичига солиниб турганини кўргандан сўнг, уларни ҳар бирини алоҳида олиб ўргатиш жараёнида, баъзи бир талабаларда “хидга”, “жисмга” нисбатан ўрганиш бўлмайди ва Тиббиёт университетини ташлаб кетади, ўқимайди. Бу ҳам касбий бузилишдан аввал касбий мослашишига рухий жиҳатдан йўқлиги ҳисобланади ва тўғри ҳам қилади. Чунки непрофессионал жарроҳ бўлиб, қанчадан-қанча фуқароларни майиб-мажруҳ қилганидан ўз вақтида касбни алмаштириш ҳам ўта тўғри қарор деб ҳисоблаймиз. Ўқитувчи касбида ҳам ўзига хос касбий бузилиш юзага келади, масалан ҳар бир ўқувчини билим олишига ўргатаман деб ўқувчиларни қайсарлиги, ўқишни хоҳламаслиги оқибатида ўқитувчилар мактаб ўқувчисига қўл кўтариб қўяди, бу эса деформациянинг бошланиши бўлса, бошқа томондан ўқитувчи кўп гапирадиган бўлиб қолади бу деформацияни иккинчи бир кўриниши ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларда касб бузилишини олдини олиш учун яна битта омил бор. У ҳам бўлса ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзида салбий хислатларни йиғмалслиги лозим.

- а) ҳамкасблари билан мулоқотга кириша олиш санъатига эга бўлиш;
- б) мулоқот жараёнида уни эшитадиган одамлар билан мулоқот кила билиш керак, уни устидан кулмайдиган ҳамкасблар бўлиши лозим;

в) сизни эшитиб сизга фикир билдирадиган ходимлар бўлиши керак, шундагина релакция юзага келади.

г) ҳарбий хизматчилардаги бир-бирини тушуниш бир-бирини қўллаб қувватлаш улардаги касбий бузилишни профилактикасини асоси ҳисобланади деб ўйлаймиз;

д) ҳар қандай мулоқот ҳарбий хизматчилар орасидаги давлат, хизмат сирларидан ҳоли бўлиши лозим.

Касбий бузилиш тушунчаси билан бирга ҳарбий хизматчиларнинг касбий бузилишини ривожланиши тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга қуйидаги омиллар таъсир қилади. Расмга қаранг:



1 расм.

Ушбу омилларни яна давом эттиршимиз мумкин, лекин биз юқоридаги омиллар билан чегараланиб қолмоқчимиз.

Касб аста секинлик билан ҳарбий хизматчиларнинг характерини асосан салбийликга кейин ижобий томонга ўзартиради. Бундай ўзгаришларни айниқса

салбий ўзгаришларни касбий бузилишлар тушунчаси ўзини ичига камраб олади. Бугунги кунда касбий бузилишни юзага келишига олимлар томонидан бир қанча жавоблар берилган, шуларни ичида юқорида айтиб ўтганимиздек энг аввало мухит, вақт, жамоа, бошлиқлар, оилаларни роли, алоҳида диссертация тадқиқоти даражасида ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, касбий бузилиш бирданига ҳарбий хизматчиларда юзага келмайди, балки йиллар давомида шаклланиб боради ва бу энг аввало ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал хусусиятларига, темпераментига боғлиқ эканлиги илмий ишимизнинг, тадқиқотимизнинг натижаларида кўрмоқдамиз.

Фойдаланган адабиётлар

1.¹ Безносков, С.П. Профессиональная деформация личности. – СПб.: Речь, 2004. – 272 с.;

2. Борисова, С.Е. Профессиональная деформация личности сотрудника // Энциклопедия юридической психологии / Под общ. ред. проф. 2.А.М. Столяренко. – М., – 2003. – 290 с.;

¹ Будыкин, С.В., Дворянчиков, Н. В. Влияние экстремальных ситуаций на развитие личностной деформации у сотрудников правоохранительных органов. – Донецк: ДЮИ ФГЗ, 2012. – С. 34-36.

3. Бурыкин, В.М. Профилактика профессиональной деформации личности сотрудника органа внутренних дел: Методическое пособие / Под общ.ред. В.М. Бурыкина. – М.: ИМЦ ГУК МВД России, – 2004. – 144 с.;

4. Дружилов, С.А. Профессиональные деформации как индикаторы дезадаптации и душевного неблагополучия человека [Текст] / С.А. Дружилов // Сибирский педагогический журнал. – 2010. – № 6. – С. 171-178.

5.¹ Tedeschi R.G., Calhoun L.G. Posttraumatic growth: Conceptual foundations and empirical evidence. *Psychological Inquiry*, 2004, 15, P. 1–18.